

МУЛКИЙ ИСЛОХОТЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИШ - ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Шерзод МУСТАФАКУЛОВ

Иқтисод фанлари номзоди, доцент, МОФ декани

Аннотация: Илмий мақолада мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида амалга оширилган мулкий ислоҳотлар ва уларнинг самарасига бағищланган таҳлиллар ўрин олган. Шунингдек, сўнги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган хукуқий-меъёрий ҳужжатлардаги тизимий ўзгаришлар ва уларнинг ҳаётга татбиқ этиш натижасида қўлга киритилган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг шарҳи келтирилган.

Калит сўзлар: мулкий муносабатлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорик, давлат мулки активлари, хусусийлаштириш, мулкий ислоҳотлар, иституционал механизм, кўчмас мулк объектлари, давлат мулки объектлари.

Мулкий ислоҳотлар “Ўзбек модели”нинг иқтисодий сиёсатида устувор мавқени эгаллади. Аввало, Бош Қомусимида: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилмажил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг хукуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хукуқлилигини ва хукуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин” – дея белгиланди (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2014).

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланган ушбу ҳолат, туб таркибий ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш натижасида ишбилармонлик муҳитини таъминлашига мустаҳкам пойдевори бўлди. Яъни: биринчидан, мустақиллик остонасида ва унинг дастлабки ойларида қабул қилинган қатор меъёрий ҳужжатлар (“Мулкчилик тўғрисида”ги Қонун, 1990; “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун, 1991; “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун, 1991; “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонун, 1992) нинг аҳамияти янада ортиб, хусусий тадбиркорлик, бизнес ҳамда ишбилармонлик муҳити учун хукуқий асос барпо этилди (йўл очилди); иккинчидан, сотишда-монопол, ҳарид қилишда-монопсон мавқе билан тавсифланувчи мустабид соҳта мафкуравий тузум мероси ва оқибатлари бўлган давлат мулки яккаҳокимлиги асоратларига барҳам беришнинг пухта институционал механизмини ишлаб чиқишига киришилди.

Бунда: аввало, давлат тасарруфидан чиқарилаётгган ва хусусийлаштирилаётган мулк ҳақиқий мулкдорларга берилиши ҳисобга

олинди. Шунингдек, иқтисодий муносабатларни тубдан янгиланган кўп укладлиликка ўзгартириш учун рағбатлантирувчи кучга эга бўлган реал ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга устувор эътибор қаратилди.

Жумладан, сўнгги икки йилда мулкий ислоҳотларнинг изчил ва ва босқичма босқич ташкил этилганини қўйидаги меъёрий хужжатларда ҳам кузатса бўлади. Хусусийлаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг устувор аҳамияти навбатдаги Президент қарорида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2200-сонли [карори](#), 2014).

Яъни, мазкур соҳага мўлжалланган Давлат мулки обьектларининг ялпи инвентаризацияси натижалари бўйича фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган хусусийлаштириладиган давлат активларининг тўрт тоифадаги қўйидаги рўйхати: 1) фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган, бузиб ташланадиган обьектлар; 2) фойдаланилмаётган кимошди савдосида сотиладиган обьектлар; 3) инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва янги иш ўринларини яратиш шарти билан танлов асосида “ноль” харид қиймати бўйича сотилиши лозим бўлган фойдаланилмаётган, шу жумладан қурилиши тугалланмаган обьектлар; 4) тадбиркорлик субъектларига янги ишлаб чиқаришлар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси обьектларини барпо этиш учун кичик саноат зонаси ташкил этилиши мўлжалланган, кейинчалик ўлчови ўртача 0,2-0,3 га.дан ажратиб бериладиган ер участкалари белгилаб берилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондига киритиладиган, шунингдек янада самарали фойдаланиш учун бошқа ташкилотларга тезкор бошқариш ва бепул фойдаланишга бериладиган обьектлар таркиби ҳам кўрсатилган.

Адолатли мулкий ислоҳотларни амалга ошириш мезонларидан бири “Давлат мулки обьектларини хусусийлаштириш тартибини соддалаштиришга қаратилган меъёр ва тадбирлар”и ҳисобланади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2200-сонли [карори](#), 2014). Давлат мулки обьектларини хусусийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибида қўйидаги таомилларга эътибор қаратилди:

1. Давлат активларини “ноль” харид қиймати бўйича сотишга оид ошкора савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этилган санадан бошлаб то улар ўтказиладиган санагача бўлган муддат икки ойдан 30 кунгacha қисқартирилди.

2. Савдолардаги давлат мулки обьектларини “ноль” харид қиймати бўйича сотиш шартларидан бирига кўра, янги иш ўринларини яратиш инвестиция мажбуриятларини бажаришга киришилган пайтдан бошлаб йил давомида сақлаб қолинди.

3. Ошкора савдоларда давлат активларини сотиб олишга икки ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, уларни дастлаб қўйилган нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизмини қўллаган ҳолда сотиш амалга оширилади ва бу қадам қўйидагилар бўйича ҳар 15 кунда дастлаб қўйилган нархнинг 10 фоизини ташкил қиласи:

кўчмас мулк объектлари бўйича – дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача, аммо уларнинг нархлаш кунигача қолдиқ қийматидан кам бўлмаслиги лозим;

акциялар ва улушлар бўйича – дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача, давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ қўйилган нархни кейинчалик фойдаланиш имконияти билан қадам-бақадам пасайтириб бориш механизмини қўллаш мумкин. Бунда акциялар ва улушларнинг бошланғич нархини умумий пасайтириш уларнинг номинал қийматидан паст бўлмаган миқдоргача амалга оширилиши мумкин.

Ушбу меъёр ва тадбирлар тасдиқланган қарорнинг мақсадида Давлат мулкидан оқилона ва самарали фойдаланишни, фойдаланилмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектларини, бўшаётган ер участкаларини замонавий рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш зарурлиги таъкидланди.

Қарорда қатор давлат бошқаруви идораларининг раҳбарларига уларнинг балансида бўлган бино ва иншоотлар, бошқа давлат мулки объектларининг сақланиши, тегишли даражада авайлаб асралиши ва самарали фойдаланилишини таъминлаш бўйича қониқарсиз ишлаганликлари ва масъулиятсизлик билан қараганликлари кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, Давлат мулкини хусусийлаштириш ва бошқариш соҳасида қонунчилик бузилишига йўл қўйган давлат Рақобат қўмитасининг бир қатор ҳудудий органлари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганликлари, давлат мулки объектларини балансида сақловчи юздан ортиқ давлат ташкилотлари раҳбарларига нисбатан қаттиқ жиноий ва интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги қайд этиб ўтилди.

Қарорда Давлат Рақобат қўмитаси томонидан давлат ва маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда давлат мулки объектларининг ялпи инвентаризацияси ўтказилиб, унинг натижалари бўйича фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектларнинг рўйхати аниқлангани маълумот учун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги қарорида: заар кўриб ишлаётган ва иқтисодий начор, паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада оптимизация қилиш чора-тадбирлари баён этилди (Ўзбекистоон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 192-сонли қарори, 2014).

Мазкур қарорга қўра, беш тоифадаги давлат объектларида 321 та фойдаланилмаётган ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини бошқа мулк шаклига ўтказиш шартлари белгилаб берилган.

Дастлаб давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби ишлаб чиқилди (Ўзбекистоон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 279-сонли

[қарори, 2014](#)). Бунда асосий мақсад: Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини такомиллаштириш; сотиш механизмлари ва тартиботлари самарадорлигини ошириш; давлат мулки объектлари билан битишувларни амалга оширишда оммавийлик ва ошкораликни таъминлаш эканлиги таъкидланди. Хусусийлаштириш тартибига еттига низом киритилди.

Булар: Давлат корхоналари ва муассасаларини хўжалик жамиятларига айлантириш тартиби; Давлат акцияларини сотиш тартиби; Масъулияти чекланган жамиятларнинг устав фондлари (устав капиталлари)даги давлат улушларини сотиш тартиби; Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби; Давлат мулки объектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан “ноль” харид қиймати сотиш тартиби; Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиша тендер савдоларини ўtkазиш бўйича Давлат комиссияси қарорлари бўйича сотиш тартиби; Давлат мулки объектларини танлов савдоларида ва тўғридан-тўғри музокаралар ўtkазиш йўли билан сотиша инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг энг кам миқдорини ва турларини белгилаш, шунингдек давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш тартибидан иборатлигини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги №ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги № ПҚ-2340-сонли “Иқтисодиётда хусусий мулкчиликни улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши мазкур йўналишда муҳим қадам бўлди.

Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирларида: хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш; хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш; корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга сотиш каби йўналишлар қамраб олинди. Биринчи навбатда, хорижий инвесторларга сотиш ҳисобидан республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини тубдан ошириш шу асосда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда технологик янгилашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар чиқаришни ташкиллаштириш мақсади белгиланди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2340-сонли қарори, 2015).

Жумладан: куйидагилар сотилиши лозим бўлган давлат мулки объектлари туркумига киритилди:

1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг улушлари стратегик хорижий инвесторларга сотилиши лозим бўлган акциядорлик жамиятлари.

2. Ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатдош маҳсулотлар чиқаришни ташкиллаштириш мақсадида ошкора савдоларда хусусий мулк эгалиги шарти билан хўжалик бошқаруви

органларининг давлат активлари ва улушлари, биринчи навбатда хорижий инвесторларга сотилиши лозим бўлган корхона ва хўжалик жамиятлари.

3. Инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан “ноль” харид қийматида танлов асосида сотилиши лозим бўлган давлат мулки обьектлари, шу жумладан қурилиши тугалланмаган обьектлар.

4. Ошкора савдоларда тўлиқ хусусий мулк қилиб сотиладиган давлат мулкининг фойдаланилмаётган обьектлари.

5. Тугатиш ёки банкрот қилиш тартибини қўллаш ташаббуси билан чиқилган паст рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилотлар.

6. Вакил қилинган органлар хulosаси ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари қарори билан бузиб ташланиши лозим бўлган фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки обьектлари.

Хусусийлаштириш билан бир қаторда Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш шарт-шароитлари Вазирлар маҳкамасининг қарорида белгилаб берилди Ўзбекистоон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 135-сонли қарори, 2015). Қарорнинг иккинчи иловасида “Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом” келтирилди. Бунда Жамғарма маблағларини тақсимлаш тартиби белгиланди.

Яъни:

68,5 фоизи – Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига;

25 фоизи – ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига;

4 фоизи – маблағларни мақсадли равишда фақат бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ва тадбиркорларни хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига;

2,5 фоизи – тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шу жумладан Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Давлат Рақобат қўмитаси ёки унинг худудий органлари ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштиришга дахлдор яна бир қарорининг мазмунини Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган заарар қўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини (улушларини) “ноль” харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги Низом ташкил этади (Ўзбекистоон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 137-сонли қарори, 2015).

Низомда: умумий қоидалар; акцияларнинг давлат пакетлари (улушлари) рўйхатини шакллантириш тартиби; акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) сотиш бўйича танлов шартларини тайёрлаш, шунингдек танловни ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш; сотилган акцияларнинг давлат пакетлари (улушлари) нархини аниқлаш; корхона ижро этувчи органининг ҳукуқлари ва мажбуриятлари; мулк ҳукуқини тасдиқловчи ҳукуқни белгиловчи ҳужжатларни бериш тартиби; якунловчи қоидалар киритилган.

Бу борадаги мулкий ислоҳотларда хорижий инвестицияларнинг ўрнидан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятлари учун янги тартиб жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2454-сонли Қарори, 2015). Бундан мақсад: акциядорлик жамиятларига хорижий инвестор ва менежерларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашда, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда уни ташқи бозорларга олиб чиқишида уларнинг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек акциядорлик жамиятларининг устав капиталларида давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобидан иқтисодиётда давлатнинг иштирокини тубдан камайтиришдан иборатлиги таъкидланди.

Бунда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартағи ПҚ-2327-сонли қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг, шунингдек акциядорлик жамиятлари устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуси 15 фоиздан кам бўлмаслигидан иборат тартиб жорий этилиши таклифига розилик берилди.

Бинобарин, ўтган 2015 йил ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқни кўзлайдиган кенг кўламли ва муҳим мулкий ислоҳотлар Дастурини ҳаётга жорий этиш йўлида катта қадам бўлди. Ўз моҳият эътибори билан чуқур таркибий ўзгаришларнинг, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳукуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини камайтириш босқичма-босқич амалга оширишда яна бир қадам бўлганини тўлиқ асослар билан айтиш мумкин.

2015 йилнинг ўзида Давлат дастурига кўра, 1247 корхона хусусийлаштиришга қўйилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4725-сонли Фармони, 2015).

Мазкур Давлат дастурининг мақсадида Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсик ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушкини изчил ошириш белгиланди. Шунингдек, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал

ривожлантириш йўлидаги тўсикларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурида қўйидагилар инобатга олинди:

тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш;

хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш;

барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш.

Дастурга киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик масъул ижрочилар — тегишли вазирликлар, идоралар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар раҳбарларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида фақат углеводород хомашёси, қимматбаҳо ва рангли металлар, уран хомашёсини қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналарни, шунингдек, табиий монополияларнинг стратегик инфратузилма тармоқларини – темир ва автомобиль йўллари, авиаташувлар, электр энергия ишлаб чиқариш, электр ва коммунал тармоқларини тўғридан-тўғри давлат бошқарувида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ, деб топилди (Каримов, 2015).

68 корхона Давлат активларининг акциялари хорижий инвесторлар учун, 343 корхона Давлат активларининг акциялари миллий ва хорижий инвесторлар учун, 512 давлат объектлари миллий ва хорижий инвесторларга “ноль” харид қиймати ва инвестиция мажбурияти асосида, 324-иншоот миллий ва хорижий инвесторлар учун оммавий савдоларга таклиф этилди (1-жадвал). Хорижий инвесторлар учун таклиф этилган Давлат активларининг акциялари саноат тармоқларининг йирик корхоналарини ташкил этди.

1-жадвал

Давлат активлари (корхона, иншоот, объект) ни хусусийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

Таклиф этилаётган хусусийлаштириш шакллари	сони
1.Давлат дастурига кўра, жами хусусийлаштириладиган давлат активлари	1247
2.Хорижий инвесторлар учун Давлат активларининг акцияларини сотиш	68
Шу жумладан тармоқ ва соҳалар бўйича:	
Нефть-газ саноати - (Uzneftgazqurilishinvest, Бухоро Газ Саноат курилиш ва б.к.)	16
Кимё саноати (НавоиАЗот, Самарканд KIMYO, Фарғона Азот ва б.к.)	4
Электротехника - (Sino, Фотон, Оникс, Чирчик трансформатор заводи)	4
Озиқ-овқат саноати - (Андижон, Урганч, Тошкент, Когон ёғ-мой заводари ва б.)	15

Курилиш материаллари - (Самаркандмармар, Қизилқұмцемент, Кварц, Ohangaron шифер)	5
Тұқимачилик саноати - (Китоб ип йигириув, Norintex)	2
Автомобиль саноати - (Жиззах аккумулятор заводи)	1
Молиявий институт - (Турон банк, Алоқабанк, Суғурта компаниялар)	4
Транспорт - (Ангрен логистика, Урганч экскаватор заводи ва б.)	
Бошқа объектлар - (Халқаро Бизнес-марказ, Үзэкспомарказ ва б.)	8
3.Давлат активларининг акциялари миллий ва хорижий инвесторлар учун	343
4. Миллий ва хорижий инвесторларга “ноль” харид қиймати ва инвестиция мажбурияти асосида сотиш	512
5.Миллий ва хорижий инвесторлар учун оммавий савдолар асосида сотиш	324

Давлат активларини хусусийлаштиришда асосий эътибор чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари күйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарти билан янги мулқорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбурияти белгиланди. Шу билан бирга, 245 та кам рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тўлиқ тугатилди.

Хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки обьекти бузилиб, бунинг натижасида 120 гектар ҳажмидаги ер майдони бўшади. Бу ерларнинг қарийб 80 гектари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш ва хизматлар кўрсатиш обьектлари қуриш учун тадбиркорлар тасарруфига берилди.

Давлат мулки шаклидаги яна 319 та ана шундай обьект инвентаризация қилиниб, хусусий мулк шаклига ўтказиш учун савдога қўйилди ва ўтган йили уларнинг 102 таси янги мулқорларга сотилди. Бундан ташқари, 378 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши баҳоланди ва чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун очиқ савдога қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, изчил ривожланаётган ва муваффақиятли фаолият юритаётган «Навоийазот», «Фаргонааазот», «Урганч экскаватор», «Қизилқұмцемент», «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятлари каби корхоналар, «Алоқабанк», «Туронбанк» сингари банклар, «Ўзагросуғурта» компанияси ва бошқа муассасалардаги давлатга тегишли акциялар ҳам савдога қўйилди.

Шу тариқа 52 та акциядорлик жамиятидаги савдога қўйилган давлат улуши хусусий мулқорларга сотилди. Жумладан, «Қўқон ёғ-мой заводи» акциядорлик жамиятининг давлатга тегишли акциялари 2 миллион 500 минг долларга сотилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда макроiktисодиётда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда мавжуд давлат активларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мухим ўрин тутади. Айни чоғда давлат активлари самарадорлигини ошириш мулкий ислоҳотларнинг устувор соҳаси ҳисобланади.

Бу борада давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Давлат активларини бошқариш марказига юклатилган масъулиятларни алоҳида таъкидлаш лозим

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 165-сон қарори, 2013). Мазкур Марказни ташкил этиш мақсади: давлат активларини самарали бошқаришни таъминлаш, ягона техник-иктисодий, ишлаб чиқариш сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, шу жумладан, инвестицияларни жалб этиш йўли билан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш ҳажмларини кенгайтиришдан иборат.

Қарорга мувофиқ, давлат унитар корхонаси Давлат активларини бошқариш марказига акциядорлик жамиятларининг устав фондларидағи акцияларнинг давлат пакетлари, шунингдек масъулияти чекланган жамиятларнинг устав фондларидағи давлат улушлари тасарруф этиш хукуқисиз эгалик қилиш ва фойдаланиш хукуқи берилган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириш бўйича олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишларнинг янги босқичи ҳисобланди. Демак, сўнгги йилларда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган меъёрий хужжатлар мулкий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштириш борасидаги ютуқлардан далолат беради. Давлат раҳбари томонидан: “Хусусий мулкнинг хукуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулқдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қиласлигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарур” - дея белгиланган вазифаларнинг амалий тасдиғи ҳисобланади (Каримов, 2010).

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги ўзига хос тараққиёт йўлининг самарадорлиги бугун исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айлангани ва жаҳонда “Ўзбек модели” сифатида тан олингани ҳеч кимга сир эмас. Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган мулкий ислоҳотлар бир томондан, мавжуд давлат активларининг самарадорлигини оширишга қаратилгани баробарида, иккинчи томондан, фуқароларда, тадбиркорларда мулқдорлик туйғусини мустаҳкамлаб, уларнинг ўз бизнесини ишонч билан янада ривожлантиришига, мамлакат иқтисодиётининг юксалишига, ҳалқ фаровонлигининг ошишига хизмат қиласи. Келгусида ҳам хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар хукуқлари кафолатларининг қонуний асосларини такомиллаштириш изчил давом этирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: III бўлим. Жамият ва шахс. XII боб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари. 53-модда, 2014 й.
2. “Мулкчилик тўғрисида”ги Конун (31.10.1990); “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Конун (15.02.1991) (Хужжат кучини 29.04.1999дан йўқотган); “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун (19.11.1991) “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги қонун (02.07.1992) (Хужжат кучини 27.12.1996 дан йўқотган).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки обьектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ 2200-сонли қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки обьектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ 2200-сонли карори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги “Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор, паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ва ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада оптимизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 192-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги “Давлат мулки обьектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 279-сонли карори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари” ПҚ-2340-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини амалга оширишга доир норматив-хукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» ги 135-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 майдаги «Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини (улушларини) «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 137-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2454-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 4725-сонли Фармони.

12. Каримов И.А. Бөш мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир://Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь, №11(6446).